

Fazilat Oripovna QO'YSINOVA
International islamic academy of
Uzbekistan, doctor of philosophy PhD,
fazilat_aripovna@mail.ru

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В РАМКАХ ОРГАНИЗАЦИИ ИСЛАМСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

PROBLEMS AND PROSPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT WITHIN THE FRAMEWORK OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION

Аннотация: мазкур мақолада Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида туризмни ривожлантириш бўйича фаолият тадқиқ этилган. Муаллиф туризм соҳасида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг фаолиятини таҳлил этиш билан бир қаторда ташкилотга аъзо мамлакатларнинг туризми истиқболли бўйича таклифлар киритган. Шунга мувофиқ, мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда туризм соҳаси бўйича амалга ошириладиган ишлар, соҳа ривожини таҳлилга тортилган, вужудга келаётган муаммолар аниқланган ва барқарор туризм соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича айрим тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИКТ), туризми, зиёрат туризми, ривожланиш салоҳияти, ижтимоий-маданий таъсир

Аннотация. В этой статье рассматривается развитие туризма в рамках Организации исламского сотрудничества. Автор анализирует функционирование ОИК в сфере туризма и вносит предложения по перспективам развития туризма стран-участниц организации. В связи с этим в статье анализируется работа, проводимая в сфере туризма в государствах-членах ОИК, анализируется развитие сферы, выявляются возникающие проблемы и предлагаются некоторые рекомендации по укреплению сотрудничества в сфере устойчивого туризма.

Ключевые слова: Организация Исламского Сотрудничества (ОИС), туризм, мусульманский

туризм, потенциал развития, социокультурное влияние.

Annotation: This article discusses the development of tourism within the framework of the Organization of Islamic Cooperation. The author analyzes the functioning of the OIC in the field of tourism and made proposals on the prospects of tourism of the organization's member countries. In this regard, the article analyzes the work carried out in the field of tourism in the member states of the Organization of Islamic Cooperation, analyzes the development of the sphere, identifies emerging problems and offers some recommendations for strengthening cooperation in the field of sustainable tourism.

Keywords: Organization of Islamic Cooperation (OIC), tourism, Muslim tourism, development potential, socio-cultural influence.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти мусулмон олами сиёсий позициясини акс эттирувчи омил ҳисобланиб, тўрт қитъада жойлашган 57 та давлат аъзоларидан иборат ягона сиёсий платформа бўлиб, халқаро майдонда халқаро муносабатларнинг асосий фактори сифатида самарали фаолият олиб бораётган ташкилотидир. ИХТнинг асосий фаолияти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий соҳаларда мусулмон мамлакатлари ўртасида ҳамжиҳатлик асосида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ислом бирдамлигини таъминлаб, халқаро майдондаги фаолиятини ҳамкорлик асосида ташкил қилиш, мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилотга аъзо давлатларни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишига кўмаклашиш, давлатлар ўртасидаги сиёсий муаммолар ва зиддиятларни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган. Ислом ҳамкорлик ташкилоти сиёсий жиҳатдан мусулмон ҳамжиҳатлигини вужудга келтирган, ислом уммасини бирлаштирган, халқаро майдонда уларнинг манфатларини ҳимоя қила олган, бутун мусулмон оламининг интеграциясини таъминлаш мақсадида фаолият юритаётган халқаро ташкилот ҳисобланади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзолик ҳолати 1969 йил 25 сентябр Работ конференциясида 25 давлатни ташкил этган бўлса, ташкилотнинг фаолияти халқаро майдонда кенгайиши натижасида 1970 йилларда 42 та давлатни, 1980 йилларда 45 давлатни, 1990 йилларда 56 та ва 2001 йилда ташкилотга Кот-д'ивуар Республикаси аъзолиги белгиланиши билан, аъзолар сони ҳуқуқий жиҳатдан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган 57 та давлатни ташкил этади [1]. "ИХТнинг 57 аъзоси глобал

туризм саноати учун асосий манба бозори вазифасини бажаради” [2].

Аъзо мамлакатларда туризм соҳасини ривожлантиришда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 1981 йилда ташкил этилган Иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги бўйича доимий қўмитаси (COMSEC) муҳим ўрин тутди. Қўмита аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорликни амалга ошириб бўйича фаолият олиб боради [3]. Қўмита томонидан замонавий туризм фаолиятида диверсификация тенденцияси хисобга олиниб турли лойиҳалар амалга оширилди [4]. Халқаро туризм соҳасидаги сўнги йиллардаги тенденцияларга кўра, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бой ва хилма-хил табиий, географик, тарихий - маданий меросининг мавжудлиги, ушбу мамлакатларда барқарор туризм соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишини кўрсатди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ҳар бирида ўзига хос туристик хусусиятларнинг мавжуд. Халқаро туризм соҳасидаги жаҳон тенденцияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларидаги асосий туризм кўрсаткичлари таҳлил этилганда, жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, 1990-йилларда ИХТга аъзо давлатларда халқаро сайёҳлик йўналишида паст кўрсаткич қайд этилганлиги, 2000-2020 йилларда эса халқаро туризм бозорида аъзо мамлакатларнинг улуши ошиши натижасида туризм йўналишида юқори ўсиш суръати кузатилган. Бунда Малайзия, Туркия, Саудия Арабистони, Миср, Индонезия, Тунис, Марокаш, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн ва Эрон мамлакатлари етакчи ўрин эгаллаган. Айрим аъзо мамлакатларда барқарор туризмни ривожлантириш имконияти юқори бўлсада, уларда туризмни ривожлантириш омилларининг етарли даражада намоён бўлмаганлиги туфайли давлатларнинг жаҳон сайёҳлик бозоридаги улуши пастлиги кузатилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 57 давлатнинг ўзига хос сиёсати, миллий ривожланиш даражаси ва устуворликлари, ҳаттоки туризм соҳасидаги салоҳияти билан ҳам бир биридан кескин фарқланади. Ҳаттоки, мамлакатларнинг туризм ва барқарор туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ҳам хилма-хил бўлиб, ушбу муаммоларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

– айрим аъзо мамлакатларда туризмнинг иқтисодий аҳамиятини пастлиги. Туризм соҳасига саноат ёки иш билан таъминлашнинг потенциал манбаи сифатида қаралмаслиги;

– табиий туризм салоҳиятининг мавжуд эмаслиги. Туризмнинг ривожланишига давлатларда табиий, тарихий ёки маданий туризм ресурсларининг йўқлиги. Лекин айрим ҳолларда, давлатларда ушбу омилларнинг мавжудлиги уларнинг муваффақиятли туризм саноатини ярата олишига асос бўлмайди;

– мутахассислар етишмаслиги, замонавий реклама ва техник тараққиётнинг пастлиги. Туризм, замонавий саноат сифатида кириб келганлиги боис айрим мамлакатлар учун у янги ва нотаниш фаолият ҳисобланиди;

– ИХТга аъзо айрим мамлакатларда муваффақиятли туризм соҳасини ривожлантириш учун зарур инфраструктуранинг етишмаслиги ва халқаро туризм стандартларининг тўлиқ амал қилмаслиги. Сайёҳлар талаб қиладиган объект ва хизматларнинг стандартларга жавоб бермаслиги;

– туризм соҳасининг молиялаштирилмаганлиги ёки молиявий танқислик. Ривожланаётган давлатларда иқтисодий фаолият сифатида туризмга инвестиция киритиш ва сайёҳлик лойиҳаларини молиялаштирилишига эътиборнинг пастлиги. Давлатлар табиий сайёҳлик салоҳиятига эга бўлсада туризм соҳасига инвестициянинг оқилона киритилмаслиги кўп ҳолларда ушбу ҳудудларнинг иқтисодий муаммолари ўз ечимини топмаслигига сабаб бўлади;

– интеграциялашган, изчил туризм сиёсатининг йўқлиги. Бу айрим давлатларда сайёҳлик фаолиятнинг институционал механизмнинг йўлга қўйилмаганлиги билан ифодаланади;

– туризм соҳасида янги фаолият турлари ўзлаштирилиши яъни диверсификациянинг инobatга олинмаганлиги. Бугунги кунда замонавий туристик фаолиятда диверсификация ва ўзгариш нисбатан ўсиб бораётганлиги тенденцияси кузатилади. Бу давлатлардан туристларнинг тез ўзгарувчан ва мураккаб талабларини англаган ҳолда юқори рақобатбардош халқаро туризм бозорида янги туристик йўналишларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олиб, замонавий туризмни ривожлантиришни тақозо этади.

– сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг пастлиги. Туризм саноати ривожининг асосий

омилларидан бири бу сайёҳлар хавфсизлигининг таъминланиши ҳисобланиб ушбу ҳолат билан боғлиқ муаммолар туризм истиқболи ва мамлакатлар обрўсига салбий таъсир кўрсатади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда туризм соҳасини ривожлантириш йўлида турган турли-туман муаммолар мавжуд бўлсада, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги бўйича доимий қўмитаси (COMSEC) замонавий ва барқарор туризм индустриясини йўлга қўйиш, аъзо давлатларнинг ички ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг қўламли ишлар олиб бормоқда [4]. Қўмита бошчилигида аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратиш билан бирга туризм соҳасида миллий даражадаги узоқ муддатли стратегияни, шунингдек, ўрта ва қисқа муддатли режалар ва дастурлар қабул қилган. Хусусан, туризм саноатини барқарор ривожлантириш бўйича миллий даражадаги стратегия сифатида қуйидагилар белгиланган:

- янги ресурслар ва объектларни ривожлантириш, шунингдек, табиий, табиий ва маданий ресурслар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;

- Туризмни барқарор ривожлантириш ва бошқаришнинг янги йўналишини иқтисодий рағбатлантириш ва экологик таълимни тарғиб қилиш ҳамда маҳаллий салоҳиятни оширишга қаратилган фаолиятни йўлга қўйиш;

- Туризмга йўналтирилган таълимни ривожлантириш. Бунда аҳолининг туризм билан боғлиқ имкониятлар ва муаммолардан хабардорлиги ошиши мақсад қилинган;

- Туризм соҳасини режалаштириш. халқаро стандартлар ва қоидаларга мослаштириш. Бу минтақавий таклифлар ва қўшма маркетинг фаолияти интеграциясини кучайтиришга йўналтирилади;

- Сайёҳлик билан боғлиқ асосий инфра-тузилмалар ва меҳмонхоналар, йўллар, жамоат транспорти, транспорт ва алоқа каби хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш. Туристларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини назорат қилиш учун зарур қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш, сифатли хизматни ташкиллаштиришга қаратилади;

- туризм маҳсулотларини диверсификациялаш (туризм таъминоти). Бунда ижтимоий-маданий дастурларни ва маҳаллий жамоаларни жалб қилувчи анъанавий тадбирларни ташкил этиш мақсад қилинган;

- банк-молия хизматларини такомиллаштириш, пул ўтказмасини осонлаштириш.

Пул ўтказмалари хавфсиз ва самарали тизими муваффақиятли туризм саноати асосий омилларида бири ҳисобланади. Бунда, банк-молия хизматлари такомиллаштириш ва хавфсиз тизимни йўлга қўйиш мақсад қилинган;

- ҳамкорликни кенгайтириш ва ИХТ мамлакатларида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш. Туризм фаолиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун икки ва кўп томонлама муносабатларни йўлга қўйиш ҳамда, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширилиш лозим. ИХТ мамлакатлари туристик фаолиятни аниқлаш, режалаштириш ва молиялаштиришда жаҳон банки ресурсларидан ва бошқа ташкилотлар, давлатлар билан ҳамкорлик омилларида фойдаланиш кўзда тутилади;

- Барқарор туризмни ривожлантиришга нисбатан сиёсат, стратегия ва қоидаларни ўрнатиш ва институционал туризмни бошқаришни мустаҳкамлаш мақсадида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

Маълумки туризм бу бизнес ва биринчи навбатда хусусий сектор фаолияти учун мўлжалланган соҳадир. Шундай қилиб, хусусий секторни туризмни ривожлантиришга кенг жалб қилишни рағбатлантириш ва рағбатлантириш учун саъй-ҳаракатлар қилиш керак. Шу муносабат билан, ишончли оширадиган ва хусусий секторни туризм лойиҳаларига инвестициялашни рағбатлантирадиган муҳитни яратиш ва айниқса, салоҳиятни ошириш ва сайёҳлик хизматлари сифатини яхшилаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга ҳаракат қилиш керак.

Бугунги кунда туризм саноати дунёнинг деярли барча давлатларига кириб келиб уларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик соҳалари билан уйғунлашди ҳамда туризм саноатида барқарор ўсиш сурати кузатилиб йирик сектор сифатида эътироф этилди. Туризм индустриясини барқарорлаштириш ва ривожлантириш масалалари жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан доимий ўрганилиб барқарор туризм тамойиллари асосида фаолият олиб борилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг туристик салоҳиятини ҳисобга олсак, туризм бўйича ҳамкорлиг амалиётида давлатлар билан зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш соҳаси кенгайганлиги кузатилади.

Туризм саноатида зиёрат туризми янги пайдо бўлган соҳа ҳисобланади. Жаҳон

туризм бозорининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бири сифатида Зиёрат туризми вужудга келиб туризм бозорини тез суръатлар билан эгаллади. Кўп ҳолларда зиёрат туризми фақат Ҳаж ва Умра билан боғлиқ бўлган. Бироқ, яқинда мусулмон сайёҳларнинг бизнес ва дам олиш билан боғлиқ сегментларини қондириш учун мўлжалланган маҳсулот ва хизматлар оқими пайдо бўлди [2]. Ислом туризми тушунча сифатида туризм назарияси ва амалиётида турли номлар ва концепциялар билан қўлланилган. Ҳалол туризм, шариат туризм ва мусулмондўст туризми энг кенг тарқалган атамалар ҳисобланади. Бироқ, бу терминологияларнинг ҳеч бири умумэтироф этилган таърифга эга эмас [5].

Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар орасида Зиёрат туризмининг ривожлантириш йўл харитаси асосида аъзо мамлакатларда туризм келажагининг асосий йўналишларини аниқлаш билан бир қаторда, зарур ресурсларни ривожлантириш мақсадида туризм соҳасида, аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни оширишни белгилаб беради. Шунингдек, туризм индустриясида зиёрат туризм бозорининг ривожланишини таъминлашда, бозор механизмлари мажмуидан самарадорли фойдаланишнинг оптимал йўллари ишга солишни тақозо этади.

Зиёрат туризми бозорини тартибга солишнинг иқтисодий-ташкилий тузилмасига: сайёҳлик соҳасидаги бошқарувнинг барча бўғинларида (мамлакат миқёсида, ҳудуд даражасида, туристик ташкилот миқёсида) интеграциялашган маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш, амалга ошириш лозим. Туризм индустриясида зиёрат туризми бозорининг ахборот таъминоти танқислиги масаласининг ечими сифатида сайёҳлик ахборот тизимини ва унинг инновацион таркибий элементи сифатида фаол ахборотлар тизимини шакллантириш; сайёҳлик бозори ривожланишини прогноزلантириш имкониятини берувчи сайёҳлик маҳсулотга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш усулини ишлаб чиқиш; сайёҳлик маҳсулотларнинг замонавий турларини ва уларни реализация қилишнинг инновацион йўналтишларини ишлаб чиқиш; зиёрат туризми бозорига ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг инновацион йўналишларини ўрганиш; сайёҳлик индустриясида хорижий истеъмолчиларни ахборотлар билан оптимал таъминлаш методини ишлаб чиқиш ҳамда сайёҳлик амалиётига

тадбиқ этиш каби механизмлар қамраб олинади [6].

Экотуризмнинг ўсиб бораётган глобал аҳамиятини эътироф этиб, ушбу йўналиш ҳақида тўхталсак. Экотуризм табиатга асосланган туризм шакли сифатида вужудга келган. Экотуризм табиий ва маданий бойликларни сақлаб қолиш учун самарали восита бўлиб хизмат қилади Экотуризм терминига “атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи ва маҳаллий халқ фаровонлигини таъминловчи табиий ҳудудларга масъулиятли саёҳат” [7], “...экологик табиий ҳудудларга масъулиятли саёҳат ва ташриф буюриш” [7] “экотуризм нисбатан барқарор бўлмаган табиий ҳудудларда, улар ҳақида ҳайратланиш ва ўрганишнинг асосий мақсадлари учун амал қиладиган туризмдир” [8] дея таъриф келтирилган.

Экотуризм тез ўсаётган туристик фаолият бўлиб, у биринчи навбатда табиат туризмининг шакли сифатида оммалаштирилади ҳамда қишлоқ ва маданий туризм билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Экотуризмнинг асосий элементлари: биохилма-хилликни сақлашга ҳисса қўшади, маҳаллий одамларнинг фаровонлигини таъминлайди, шарҳлаш/ўрганиш тажрибасини ўз ичига олади, сайёҳлар ва туризм саноати томонидан масъулиятли ҳаракат саналади [9].

Экотуризм албатта туризм тўғри режалаштирилиб бошқариладиган бўлса, ҳукуматлар, хусусий тадбиркорлар ва маҳаллий жамоалар учун катта иқтисодий имтиёزلарни вужудга келтиради. Экотуризм барқарор туризм соҳасининг таркибий қисми бўлиб у барча ҳолларда барқарор ривожланиш натижаларига эришишга интилади.

Туризм инфратузилмасини режалаштириш ва ривожлантириш, унинг кейинги фаолияти ва маркетинги экологик, ижтимоий, маданий ва иқтисодий барқарорлик мезонларига қаратилиши лозим.

Айтиш жоизки, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳудудининг жозибадорлиги, ундаги ландшафт, флора ва фаунанинг хилма-хилиги, жуда катта табиий ҳудудларнинг мавжудлиги, барқарор экотизимлар ҳамда бой ва ноёб анъанавий маданиятлар экотуризм ривожини учун асос бўлиб сайёҳлар учун доимий қизиқиш уйғотмоқда.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда, хусусан, Африка давлатларида экотуризм фаолиятининг кўплаб шакллари мавжудлиги, яъни кенг миллий боғлар,

саванналар, классик ўйин-томошалар сайёҳларни қизиқтириб, уларга маҳаллий маданият ва ёввойи табиатни ўрганиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, ушбу мамлакатлардаги боғлар ва қўриқланадиган ҳудудлар атрофида маҳаллий жамоалар учун иқтисодий имкониятлар яратади.

Табиий ва маданий мерос объектлари Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудида барқарор экотуризм соҳасини ривожлантириш учун аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда туризм дунёдаги энг йирик тармоқлардан бири бўлиб сўнгги йилларда ушбу соҳага бўлган эътиборнинг ошиши ҳамда фаолиятнинг кучли ва барқарор юксалишига замин яратилганлиги бевосита мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалари ривожига шунингдек, давлатларaro ҳамкорликнинг кенгашига таъсир этмоқда. Туризм давлатларнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш ва хорижий инвестицияларни амалга ошириш орқали ўз иқтисодиётини ривожлантиришга кенг имконият яратди.

Туризмни бошқариш механизмини такомиллаштиришда халқaro акторлар етакчи ўрин тутаяди. Акторлар томонидан аъзо давлатларнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятини ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун нафақат ўзарo балки дунё давлатлари билан манфаатли муносабатларни йўлга қўйилиши таъминлайди. Бу борада Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлари ўртасида ҳам ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва ташкилот доирасида ўзарo манфаатли савдо-инвестиция муносабатларини кенгайтириш етакчи ўрин эгаллайди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ¼ қисмини ташкил этиши, аҳолиси сони тез ўсиб бораётган, иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларни ўз ичига қамраб олганлиги боис нуфузи жихатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган халқaro ташкилот бўлиб, мусулмон давлатларини халқaro муносабатларга таъсир кўрсатишининг муҳим форматига айланди ҳамда мусулмон дунёсининг халқaro майдондаги обрўси орттиришга хизмат қилди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқaro муносабатлар тизимида мусулмон мамлакатлари ўртасидаги диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим актор ҳисобланади. Ташкилотнинг

самарали фаолияти иқтисодий соҳада юқори бўлиб, аъзо давлатлар ўртасида ўзарo иқтисодий муносабатлар ривожланишининг институционал асосини яратди.

Ташкилотнинг фаолият даражаси таҳлил этилганда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг миллий стратегиясида туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида ёндашилиб унда туризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Аъзо мамлакатлар ҳудудининг жозибадорлиги барқарор туризм ривожини учун асос бўлган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Oripovna, Q. F. (2020). The Organisation Of Islamic Cooperation And Arab World: Processes Of Events. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(11), 33-40.
2. Usmanova, S.B. (2018) "Development of ziyarah tourism in the Republic of Uzbekistan within the Organization of Islamic Cooperation," Review of law sciences: Vol. 3 : Iss. 1 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol3/iss1/15
3. International Tourism - Organisation of Islamic ...www.oic-oci.org > docdown> docID=1773 PDF <https://www.oic-oci.org/docdown/?docID=1773&refID=1071>
4. Ekmeleddin Ihsanoğlu Commec and Economic and Commercial Cooperation Among The Oic Member States <http://www.mfa.gov.tr/data/Kutuphane/yayinlar/EkonomikSorunlarDergisi/Sayi34/ekmeleddinihsanoglu.pdf>
5. Crescent Rating (2015), Muslim/Halal Travel Market: Basic Concepts, Terms and Definitions. Crescent Rating, Singapore
6. Xudoyarov, Anvar (2020) "Aspects and possibilities of using the cluster approach in developing the effectiveness of ziyarah tourism," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 28. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iauv/vol2020/iss1/28>
7. The United Nations Environment Programme (UNEP), "About Ecotourism", <http://www.uneptie.org/pc/tourism/ecotourism/home.htm>.
8. World Tourism Organisation, "Recommendations on Tourism Statistics and Concepts, Definitions and Classifications for Tourism Statistics", <http://www.world-tourism.org>.
9. <http://www.uneptie.org/pc/tourism/ecotourism/home.htm>.
10. Oripovna, K. F. (2019). The role and political imidge of the organization of the Islamic Conference in the international relationship system. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, (2 (4)).
11. Oripovna, K. F. Arabian Consolidation and Organization of Islamic Conference in The 70-S of The xx Century.
12. Qo'ysinova, Fazilat (2020) "STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990)," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 8.1